

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

КОМИЛОВ ДОНИЁР ЖЎРАЕВИЧ

**«*G.hirsutum* L. БИОХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИ ТУРИЧИ
ДУРАГАЙЛАРИДА МОРФОБИОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ
ИРСИЙЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ТАҲЛИЛИ»**

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Комилов Дониёр Жўраевич

«*G.hirsutum* L. биохилма-хилликлари туричи дурагайларида
морфобиологик белгилар ирсийланишининг молекуляр-генетик таҳлили»
.....3

Комилов Дониёр Жураевич

«Молекулярно-генетический анализ наследственности
морфобиологических признаков у внутривидовых гибридов
биоразнообразия *G.hirsutum* L.».....21

Komilov Doniyor Jo'raevich

«Molecular genetic analysis of the inheritance of morphobiological traits in
interspecific hybrids of biodiversity *G.hirsutum* L.»
.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works.....43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

КОМИЛОВ ДОНИЁР ЖЎРАЕВИЧ

**«*G.hirsutum* L. БИОХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИ ТУРИЧИ
ДУРАГАЙЛАРИДА МОРФОБИОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ
ИРСИЙЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ТАҲЛИЛИ»**

03.00.14 – Геномика, протеомика ва биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/В380 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши ЎЗР ФА геномика ва биоинформатика марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кушанов Фахриддин Неъматуллаевич
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Бозоров Тохир Ахмадович
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Мақамов Абдусалом Хасанбоевич
PhD, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111208, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30; e-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsci.net, gen@inst.gov.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111208, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

С.К. Бабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ш. Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг тобора ошиб бориши озиқ овқат манбалари билан бир қаторда кўплаб мамлакатларнинг асосий қишлоқ хўжалик экини ғўзанинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб бормоқда. Дунё пахтачилигида ғўзанинг серҳосил ва қимматли-хўжалик белгилари ҳамда хусусиятларини яхшилаш долзарб ҳисобланади. Қисқа вақт ичида ноёб белги ва хусусиятларга жавобгар генларни ўзида мужассам этган, ғўзанинг янги навларини яратишда *Gossypium L.* туркуми ёввойи шаклларида фойдаланиш селекция самарадорлигини кескин оширади. Жумладан, тола сифати юқори, серҳосил ғўза навларини яратишда ғўза селекция жараёнларига молекуляр биология ва биотехнологик усулларни тадбиқ этган ҳолда тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ғўзанинг тола сифат белгиларини яхшилашда уларни бошқарувчи генларни идентификация қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжалиқларининг бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган (тола сифати юқори, серҳосил, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли) ғўза навларини яратиш ва мавжуд навларни ушбу йўналишда янада такомиллаштириш, ёввойи ғўза турлардаги қимматли хўжалик белгиларни молекуляр даражада, хусусан улардаги хўжалик ва саноат нуқтаи назаридан аҳамиятли белгилар билан ассоциацияланган миқдорий белгилар локусларини (QTL) ва генларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг тупроқ, иқлим шароитига мос ғўза навларини яратиш бўйича юқори натижаларга эришилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш» муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда хўжалик ва саноат нуқтаи назаридан аҳамиятли белгилар билан ассоциацияланган миқдорий белгилар локусларини (QTL) аниқлаш ва улардан қимматли хўжалик белгиларни бошқарувчи генларни идентификация қилишда фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106-сон «Қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», ЎзР ВМ нинг 2019 йил 12 декабрдаги 985-сон «2020 йилда ғўза навларини жойлаштиришнинг ва пахта

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» фундаментал устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб, бутун дунёда ғўза геномини тадқиқ этишда ДНК маркерлар технологияси самарали қўлланилмоқда. Ғўзада тола сифати билан генетик боғланган миқдорий белгилар локуслари (QTL)ни идентификация қилиш бўйича хорижий олимлар J. Kohel (2001), David M. Stelly (2015), Andrew H. Paterson (2009), David D. Fang (2015-2017), Wangzhen Guo (2013-2016), Tianzhen Zhang (2015) ва Johnie N. Jenkins (2012-2013) тадқиқотлар олиб боришган.

АҚШ олимлари DeJoodie ва Wendel (1992) томонидан *G.tomentosum*, *G.darwinii* ҳамда *G.hirsutum* турларига мансуб ёввойи ва рудерал шаклларнинг фотопериодизмга таъсирчанлик хусусиятлари ўрганилган. Бундан ташқари, ғўза генетик хилма-хилликларини бойитишда *G.mustelinum* туридан фойдаланилган ва ундаги қимматли хўжалик белгилар селекция усуллари асосида мавжуд навларга ўтказилган.

Мамлакатимизда ҳам ғўза геномини тадқиқ этишда А.Ю. Абдурахмонов, А. Абдукаримов, З.Т. Буриев (2010-2011), Ф.Н. Кушанов (2016, 2017), А.А. Абдуллаев (2015-2017) каби олимлар фаолият олиб бориб, улар ўз тадқиқотларида ғўзада кўплаб қимматли хўжалик белгиларга генетик боғланган ДНК маркерларини идентификация қилганлар. Шунингдек, Ф.Жоникулов (2002) томонидан бир неча турларга мансуб ёввойи ва ярим ёввойи шаклларга радиоактив моддаларнинг таъсир эттириш натижасида фотопериодизмга боғлиқлик хусусияти ўзгартирилган 200 га яқин мутант линиялар олинган.

Бироқ, *G.hirsutum* spp. *purpurascens* var *El-salvador* ёввойи ғўза шакли кенг кўламда ўрганилмаган. Энг асосийси айнан ушбу шаклда морфо-хўжалик белгиларни туричи дурагайлаш асосида ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геномика ва биоинформатика маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ФА-А6-Т083 “Ғўзанинг тола сифати ва вилтга чидамлилиқ локусларини ДНК маркерлар ёрдамида генетик жамлаш” (2015-2017) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади *G.hirsutum* турига мансуб *purpurascens* кенжа тури *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда ушбу шаклдан индуцирланган мутагенез таъсирида олинган «Кўпайсин» навининг морфо-хўжалик белгилари

ирсийланишини, уларни ўзаро чатиштириб олинган биринчи (F_1) ва иккинчи (F_2) авлод дурагайларида аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич манба сифатида *Gossypium* туркумига мансуб ғўза коллекцияларининг ичидан морфобиологик ҳамда хўжалик белги ва хусусиятлари бўйича контраст (кескин фарқ қиладиган) ҳолатдаги шаклларни танлаш;

дурагайлаш усулидан фойдаланиб танланган намуналар иштирокида биринчи (F_1) ва иккинчи (F_2) авлод дурагайларини олиш ҳамда уларда морфобиологик белгиларнинг ирсийланишини статистик таҳлиллар асосида ўрганиш;

ота-она генотипларида SSR (Simple Sequence Repeats) маркерларидан фойдаланиб молекуляр полиморфизм даражаларини аниқлаш;

танлаб олинган полиморфик маркерлар ёрдамида F_2 авлод дурагайларини генотиплаш;

F_2 авлод дурагайлари генотипик таҳлиллари асосида бирикканлик харитасини (linkage map) ҳамда МБЛ (QTL) харитасини тузиш.

биоинформатик дастурлар ёрдамида морфобиологик ҳамда хўжалик белги ва хусусиятлари билан боғлиқ номзод ген/оқсилларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида ғўзанинг *Gossypium* L. туркуми *Karpas*.Raf кенжа туркумига мансуб *purpurascens* кенжа турининг *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда индуцирланган мутагенез ва ўз-ўзидан чатиштириш усулларини қўллаш натижасида олинган «Кўпайсин» нави олинган.

Тадқиқот предмети *G.hirsutum* ssp. *purpurascens* var. *El-salvador* ҳамда «Кўпайсин» навининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилари, мутагенез таъсирида «Кўпайсин» навининг *El-salvador* шаклидан геном нуқтаи назаридан ўзгарганлиги, ўзаро чатиштириш натижасида олинган дурагайларда морфобиологик ва генетик ўзгарувчанлиги каби таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг анъанавий усулларидан (дурагайлаш, қиёсий морфология, фенологик кузатувлар), молекуляр-генетика ёндашувларидан (геном ДНК ажратиш, гель-элетрофорез, ПЗР), геномика ва биоинформатика усулларидан (*in silico* ПЗР таҳлили, генларни башорат қилиш) ҳамда замонавий статистика дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маълум миқдордаги молекуляр маркерлар ёрдамида *G.hirsutum* ssp. *purpurascens* var. *El-salvador* билан ундан, индуцирланган мутагенез ва ўз-ўзидан чатиштириш усулларини қўллаш натижасида олинган «Кўпайсин» нави ўртасидаги генетик полиморфизм даражаси аниқланган;

қимматли хўжалик ҳамда морфобиологик белгиларга алоқадор QTL/генларни хариталашда хизмат қиладиган ДНК маркерлар панели яратилган;

генетик жиҳатдан полиморф маркерлар асосида иккинчи (F_2) авлод дурагайлари генотипланган;

генотипик таҳлиллардан фойдаланиб бирикканлик ҳамда МБЛ (QTL) хариталари тузилган;

In silico ПЗР усулидан фойдаланиб *G.hirsutum* тури геноми асосида полиморфик маркер регионларининг хромосомалардаги ўрни (жойлашган худудлари) аниқланган;

NCBI BLAST ҳамда Augustus веб-иловалари ёрдамида баъзи морфобиологик белгиларнинг юзага чиқишида иштирок этиш эҳтимоллиги мавжуд бўлган номзод генлар/оқсиллар топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ғўзанинг *G.hirsutum* тури *purpurascens* кенжа тури *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» навлари иштирокида молекуляр генетик тадқиқотлар учун қимматли экспериментал (F_2 авлод дурагай) популяция яратилган;

маркерларга асосланган селекция (МАС) дастури учун фойдаланиш мумкин бўлган QTL маркерлари аниқланган;

зараркунанда ва ҳашаротларга чидамли, ҳосилдор ҳамда эртапишар навларни яратиш мақсадида олиб бориладиган селекция ишларида бошланғич манба сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган донор намуналар ажратиб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи молекуляр генетик, биоинформатик ва статистик усуллар ҳамда назарий ва амалий маълумотларга ёндашувлар, кўп йиллик тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, олинган натижаларнинг дунё ҳамда мамлакатимиз олимлари тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги, тадқиқотлар натижаларининг маҳаллий ва халқаро илмий-амалий конференцияларда ҳамда етакчи илмий журналларда эълон қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзанинг *G.hirsutum* тури *purpurascens* кенжа тури *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» навлари иштирокида молекуляр генетик тадқиқотлар учун қимматли экспериментал (F_2 авлод дурагай) популяция яратилганлиги, тадқиқот натижаларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилари молекуляр-генетик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади. *G.hirsutum* тури *purpurascens* кенжа тури *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» навлари туричи хилма-хилликлари вакиллари асосида морфоҳўжалик белгиларни молекуляр хариталаш учун ДНК-маркерлар панели тузилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўза навларини яратишда туричи дурагайлаш усулларини қўллаш, ғўзанинг ёввойи шакл ва турларини дурагайлаш ишларига жалб қилиш асосида олинган шакллари селекция тадқиқотларида дастлабки манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги молекуляр жиҳатдан исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза намуналарини туричи чатиштириш натижасида олинган F_1 ва F_2 авлод дурагайлари белгиларининг морфобиологик белгилари ирсийланиши асосида:

G.hirsutum тури *purpurascens* кенжа тури *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» навини туричи дурагайлаш натижалари асосида яратилган F_2 дурагай ўсимлик популяцияси уруғлари Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг «Ғўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг 2021 йил 20 январдаги 4/1255-150-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу иккинчи авлод дурагай уруғлари ўрта толали ғўза коллекцияси фондини янада бойитиш билан бир қаторда, фундаментал ва амалий лойиҳаларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш ҳамда электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган;

ғўзанинг «Кўпайсин» навидан молекуляр генетик таҳлиллар натижасида фермер хўжаликлари учун муҳим бўлган эртапишарлик, касалликка чидамлик ҳамда серҳосиллиги каби белги ва хусусиятларни турғун бўлган дурагай тизмалар ажратиб олинган ва селекцияга жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2021 йил 15 январь 01/03-0144-сон маълумотномаси). Натижада, *El-salvador* ёввойи шаклида мужассам бўлган қимматли-хўжалик белгиларини иккинчи авлод дурагайларида юзага чиқиши селекцияда донор линиялар ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та ҳалқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*GOSSYPIMUM L.* Туркумида молекуляр-генетик тадқиқотлар таҳлили» деб номланувчи биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. *Gossypium L.* туркумининг келиб чиқиш тарихи, систематикаси ҳамда таксономик ҳолати, морфо-биологик аҳамияти, МАС технологиясининг тарихи, ДНК маркерлари турлари ва уларнинг номланиши ҳамда тадқиқотларда қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Шунингдек, ғўзада бирикканлик хариталарини тузиш ва улар асосида тавсия этилган қимматли хўжалик белгиларига бириккан ДНК маркерлари ҳамда ғўзада морфобиологик ҳамда қимматли хўжалик белгиларни бошқарувчи QTL ларни генетик хариталаш усуллари ёритиб берилган. Ғўзада *in silico* ПЦР ва биоинформатик таҳлиллардан фойдаланиб, номзод генлар ва оксилларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шарҳи келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тажриба олиб бориш жойи, шароити, манбалари ва услублари батафсил ёритилган.

Ўсимлик материаллари, фойдаланилган реагентлар ва ускуналар, ДНК ажратиш усуллари, ПЗР, гел-электрофорез ва генотиплаш, статистик таҳлиллар, миқдорий белгилар локусларини (QTL) молекуляр генетик хариталаш ҳамда биоинформатик таҳлиллар ўтказиш усуллариининг қисқача тавсифи келтирилган.

Тажрибалар 2010-2021 йиллар мобайнида Геномика ва биоинформатика маркази лабораториясида ва ҳамда ушбу марказ қошидаги Махсус уруғчилик хўжалигида олиб борилган.

Диссертациянинг «Туричи дурагайлаш ҳамда F₁ ва F₂ авлодларида морфобиологик белгиларнинг ирсийланишини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида қуйидаги натижалар келтирилган: Ушбу бобнинг биринчи бўлимида бошланғич манбаларни танлаш ва уларнинг морфобиологик белги ва хусусиятларини ўрганиш, фенотипик кузатув натижалари келтирилган.

Мазкур бобнинг F₁ ҳамда F₂ авлод дурагайларида морфобиологик белгиларнинг ирсийланиши ва уларнинг статистик таҳлили деб номланган иккинчи бўлимида, F₂ авлод дурагайлари ота-она намуналари билан биргаликда тажриба даласида экиб ўстирилганлиги ва уларда ғўзанинг баъзи морфобиологик ва хўжалик белгиларини ўрганиш бўйича фенотипик кузатувлар олиб борилганлиги келтирилади (1-жадвал).

Биринчи ва иккинчи авлод дурагайларида кўсак сони, кўсакдаги чанок сони белгилари бўйича «Кўпайсин» нави доминантлик қилган. Симподиал шоҳлар сони, антоциан доғ, шоҳланиш типи ва туп шакли белгилари бўйича биринчи авлод дурагайларида «*El-salvador*» ёввойи шакли доминантлик қилган. Симподиал шоҳлар сони иккинчи авлод дурагайларида ўртача кўрсаткичи ота-она ва биринчи авлод дурагайларидан юқори бўлган ўсимликлар улуши кўплигини кузатиш мумкин. Бу эса иккинчи авлод

дурагайларида симподиал шохлар сони юқори бўлган рекомбинант ўсимликларни танлаб олиш имкониятини беради.

1-жадвал

Фенотипик кузатувлар асосида ўрганилган Ота-она намуналари ҳамда F₁ ва F₂ авлод дурагайларидаги айрим морфо-хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичлари


№	Белгилар	«Кўпайсин» нави	<i>El- salvador</i> ёввойи шакли	F ₁ авлод дурагайи	F ₂ авлод дурагайлари
1.	Ўсимлик бўйи, см	80	175	120	110
2.	Моноподиал шохлар сони, дона	0	7	5	4
3.	Симподиал шохлар сони, дона	15	5 (калта ва кучсиз)	5	17
4.	Бўғинлар сони, дона	18	26	21	25
5.	Кўсак шакли	тухумсимон	тухумсимон	тухумсимон	конуссимон-23, шарсимон-1, тухумсимон-112
6.	Кўсакдаги чаноқ сони, дона	4-5 та	3-4 та	4-5	4-5
7.	Кўсак сони, дона	15/7*	-	13/0	15/1
8.	Шохланиши	чекланмаган	чекланмаган	чекланмаган	чекланмаган
9.	Шохланиш типи	1-тип	2-3 тип	2-3	1-3
10.	Антацион доғ	кучли	ўртача	ўртача	оралиқ
11.	Поянинг тукланиши	кучли	сийрак	ўртача	кучли – 13%, ўртача – 40%, сийрак(кам) – 47%
12.	Туп шакли	ғуж	тарқоқ	тарқоқ	ғуж – 12.3%, тарқоқ – 87.7%
13.	Биринчи ҳосил шохи -hs	4	13-14	17	8,5

Чатиштириш натижасида олинган биринчи (F₁) ва иккинчи (F₂) авлод дурагайларида морфологик белгиларнинг ўртача кўрсаткичлари статистик таҳлиллар асосида ўрганилди. Бундан ташқари ота-она намуналари ўртасида юқори полиморфизм мавжудлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида аниқланган ушбу полиморф маркерларнинг юқорида келтирилган морфобиологик ҳамда қимматли хўжалик белгилар билан генетик боғланган QTL-локусларни хариталашда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «Молекуляр маркерлар ёрдамида тадқиқот намуналари генотипик таҳлили ва QTL хариталаш» деб номланган тўртинчи бобининг биринчи бўлими ота-она намуналари ўртасида генетик


полиморфизмни аниқлаш деб номланиб, қуйидаги натижалар келтирилган: микросателлит GH, TMB, BNL, JESPR маркерлардан фойдаланиб ота-она генотиплари ўртасидаги молекуляр полиморфизм аниқланди, аниқланган полиморф маркерлар ёрдамида F₂ авлод дурагайларини генотиплаш ишлари бажарилди.

Полиморфизмни аниқлаш мақсадида ота-она генотиплари 336 та микросателлит (ёки SSR - simple sequence repeat) маркерлар билан ПЗР усули ёрдамида таҳлил қилинди. Амплификация натижаларига кўра 336 та SSR праймерларидан 69 таси ота-она генотиплари ўртасида полиморфизм намоён этди (1-расм).




1-расм. Ота-она F₁ дурагайнинг TMB праймерлари ёрдамидаги ПЗР таҳлили. Бунда 1- *G.hirsutum* ssp. *purpurascens* var. «El-salvador»; 2) «Кўпайсин» нави; 3) F₁ авлод дурагайи. Кўрсаткич билан полиморфик маркер кўрсатилган.

Бобнинг «F₂ авлод дурагайларининг молекуляр-генотипик таҳлили» деб номланган иккинчи бўлимида дурагайлаш учун ота-она намуналари сифатида фойдаланилган *G.hirsutum* ssp. *purpurascens* var. *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» навлари ўртасида полиморфизм намоён этган ДНК-маркерлар F₂ авлод дурагайларини ПЗР скрининг қилишда фойдаланилди (2-расм).



2-расм. Ко-доминант маркер (ТМВ1271). М – Молекуляр оғирлик маркери. P₁ – “Кўпайсин” нави; P₂ – *G.hirsutum* ssp. *purpurascens* var. *El-salvador* ёввойи шакли; F₁ – биринчи авлод дурагайи; 1-70 – иккинчи авлод F₂ дурагай намуналари.



3-расм. SSR-маркерлар томонидан геномдаги амплификацияланган локуслар улуши

Молекуляр таҳлиллар натижасида 69 та полиморфик праймер жуфтлиги ёрдамида 82 маркер локуслари амплификация қилинди. Полиморф праймерларнинг 48 таси биттадан локус, 13 таси иккитадан ҳамда 8 жуфт праймерлар эса 3 тадан локусларни амплификацияланишини таъминлади (3-

расм). Умумий ҳисобда молекуляр тадқиқотлар учун фойдаланилган жами 69 та полиморф SSR праймер жуфтлари иштирокида 265 та аллеллар амплификацияланганлиги кузатилди.

2-жадвал.

Хариталашган ва хариталашмаган SSR маркерлари ҳақида маълумот.

№	Фойдаланилган SSR маркерлари тўплами	Хариталашган маркерлар сони	Хариталашмаган маркерлар сони
1	BNL SSR	19	2
2	GH SSR	11	1
3	JESPR SSR	9	1
4	TMB SSR	24	2
	Жами:	63	6

3-жадвал.

Бирикканлик гуруҳлари ҳақида маълумот.

№	Бирикканлик гуруҳлари	Эҳтимолий хромосома	Маркерланган локуслар сони	Хаританинг умумий узунлиги (сМ)	Хаританинг ўртача масофаси/маркер
1	LG.01	03-хр.	8	121,7	15,2
2	LG.02	05-хр.	15	144,8	9,7
3	LG.03	07-хр.	4	88,3	22,1
4	LG.04	11-хр.	5	40,6	8,1
5	LG.05	12-хр.	6	59,9	10,0
6	LG.06	16-хр.	8	109,3	13,7
7	LG.07	19-хр.	12	129,8	10,8
8	LG.08	23a-хр.	7	108,6	15,5
9	LG.09	23b-хр.	4	54,2	13,6
	Жами:		63	857,2	13,6

Ушбу бобнинг «Генетик бирикканлик харитасини тузиш» деб номланган учинчи бўлимида генотиплаш натижасида олинган маълумотлар асосида F₂ авлод дурагай комбинацияси учун 857,2 сМ (сантиморган) узунликдаги генетик бирикканлик харитаси яратилди. F₂ авлод дурагай комбинацияси генетик бирикканлик харитасида LOD (logarithm of odds) бали ≥5 бўлган ҳолда 63 та маркер 9 та бирикканлик гуруҳини ўз ичига олди. Ушбу бирикканлик харитасида икки маркер орасидаги ўртача генетик масофа 13.6 сМ ни ташкил этди. Дунё олимлари томонидан эълон қилинган аввалги генетик хариталарга таққосланганда, ушбу бирикканлик харитаси 8 та (3-хр., 5-хр., 7-хр., 11-хр., 12-хр., 16-хр., 19-хр. ҳамда 23-хр.) эҳтимолий ғўза

хромосомаларини намоён этди. Ушбу бирикканлик харитаси фақат 23-хромосомада иккита, қолганларида эса биттадан бирикканлик гуруҳларини ўз ичига олди (2-жадвал ҳамда 3-жадваллар).

Шундай қилиб, 63 та SSR маркерлари ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар ва бугунги кунгача шу йўналишда чоп этилган илмий мақолалар асосида ушбу маркерларнинг ғўза хромосомалари бўйича тахминий позицияси аниқланди.

Ушбу бобнинг «**Микдорий белгиларни QTL-хариталаш**» деб номланган тўртинчи бўлимида полиморфик SSR маркерлар ҳамда баъзи морфологик ҳамда қимматли хўжалик белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш учун, гуллаш муддати турлича бўлган 130 та иккинчи (F₂) авлод дурагайлари иштирокида QTL таҳлили ўтказилди.

4-жадвал.


Идентификация қилинган QTL-локуслари ва SSR маркерлари бўйича маълумот

№	QTL	Белги	Бирикканлик гуруҳи (Хр.)	Тахминий жойлашган хромосомаси	Бириккан маркерлар	Позицияси (сМ)	LOD	Ҳавола ва адабиётлар	
								Маркернинг бошқа белгиларга ассоциацияси ва у жойлашган хромосома	Ҳавола
<i>Гуллаш муддати (эртапишарлик) белгилари билан ассоциацияланган QTL-локуслари</i>									
1	<i>qHS</i>	Биринчи ҳосил шохи баландлиги	LG.02	05-хр.	JESPR224_175-TMB0064_180	60.20-69.72	3.64	Тола микронейри (25-хр.) Тола узунлиги (11-хр.)	Wang <i>et al.</i> , (2017); Shi <i>et al.</i> , (2019).
2	<i>qNOB</i>	Очилган кўсақлар сони	LG.02	05-хр.	GH110_130-TMB0809_205	135.90-141.20	3.24	Симподиал шоҳлар сони (5-хр.)	Li <i>et al.</i> , (2014)
3	<i>qFT</i>	Гуллаш муддати	LG.02	05-хр.	JESPR224_175-TMB0131_240	58.90-69.91	3.64	Тола микронейри (25-хр.)	Wang <i>et al.</i> , (2017); Shi <i>et al.</i> , (2019).
<i>Морфобиологик белгилар билан ассоциацияланган QTL-локуслари</i>									
4	<i>qHS</i>	Симподиал шоҳлар сони	LG.04	11-хр.	JESPR296_135-TMB0064_200	21.20-22.40	3.71	Тола микронейри (25-хр.) Тола узунлиги (11-хр.)	Wang <i>et al.</i> , (2017); Shi <i>et al.</i> , (2019).
5	<i>qNS</i>	Симподиал шоҳлар сони	LG.06	16-хр.	BNL1064_150-TMB0016_250	48.30-56.40	4.2	Толанинг бир хиллиги (25-хр.)	Sun <i>et al.</i> , (2012)


*Эслатма: q – QTL маъносини билдириб, ундан кейин ўрганилган белгиларнинг шартли қисқартмалари келади; FT - гуллаш муддати; HS - биринчи ҳосил шохининг баландлиги; NS - симподиал шоҳлар сони; NOB - очилган кўсақлар сони; PH - ўсимликнинг баландлиги;

Умумий ҳисобда, тадқиқ қилинган 6 та морфоҳўжалик белгилар билан жами 5 та QTL-локусларнинг генетик бирикканлиги аниқланди (4-жадвал). Ўз навбатида, композицион интервал хариталашга кўра, 5 та QTL дан 3 таси айнан ғўзадаги эрта гуллаш (эртапишарлик) хусусияти билан бевосита ва билвосита алоқадор бўлган (гуллаш муддати – FT, биринчи ҳосил шохининг баландлиги – HS ҳамда очилган кўсақлар сони - NOB) белгиларга генетик бирикканлиги аниқланди ($p \leq 0,05$). Ушбу локуслар 2-бирикканлик гуруҳига (LG.02) тўғри келди.


Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, индуцирланган мутагенез носпецифик ҳисобланиб, тасодифий равишда мутант генотиплар геномида гуллаш муддати билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган кўплаб мутацияларни келтириб чиқариши мумкин. LG.04 (11-хр.) бирикканлик гуруҳида ҳосил шохи баландлиги (HS, height of sympodia) белгиси билан ассоциацияланган QTL-локуси ($LOD \geq 3.7$) аниқланди (4- расм ва 4-жадвал). Шунингдек, симподиал шохлар сони (Number of sympodia -NS) белгисига юқори LOD-балл (4,2) билан генетик бириккан QTL-локуси LG.06 (16-хр.) бирикканлик гуруҳида идентификация қилинди (6- расм ва 4-жадвал).



4-расм. LG.02 (5-хр.) бирикканлик гуруҳидаги гуллаш муддати (FT, Flowering time), ҳосил шохи баландлиги (HS, height of sympodia) ҳамда очилган кўсақлар сони (NOB, Number of bolls) белгилари билан ассоциацияланган QTL-локусларининг жойлашуви.



5-расм. LG.04 (11-хр.) бирикканлик гуруҳидаги ҳосил шохи баландлиги (HS, height of sympodia) белгиси билан ассоциацияланган QTL-локусининг жойлашуви.



6-расм. LG.06 (16-хр.) бирикканлик гуруҳидаги ҳосил шохлар сони (NS, Number of sympodia) белгиси билан ассоциацияланган QTL-локусининг жойлашуви.

Шунингдек, QTL таҳлилида биринчи ҳосил шохининг баландлиги (HS), очилган кўсаклар сони (NOB) каби ғўзанинг гуллаш ва/ёки пишиб етилиши билан ассоциацияланган локуслар ҳам идентификация қилинди. Ушбу QTL-локуслари ўрганилган белгиларнинг у ёки бу даражадаги (6% дан 85% гача) генетик вариациясини белгилади (4-жадвал). Шундай қилиб, “очилган кўсаклар сони” (NOB) ҳамда “биринчи ҳосил шохининг баландлиги” (HS) белгиларига ассоциацияланган QTL-локуслари $LOD \geq 3,6$ балл билан 5-хромосомада топилган бўлса (4-, 5-расмлар ва 4-жадвал), “симподиал шохлар сони” белгиси билан генетик бириккан QTLлар 5-, 11- ва 16-хромосомаларда жойлашганлиги аниқланди (6-расм ва 4-жадвал).


Диссертациянинг «**номзод генларни аниқлаш бўйича биоинформатик таҳлиллар олиб бориш**» деб номланган бешинчи бобида генларни аннотациялаш – яъни *in silico* усулларида фойдаланиб генларни идентификация қилиш, генлар ва оқсиллар кетма-кетлиги таҳлили асосида уларнинг функцияларини башорат қилиш ёки аниқлаш тўғрисида маълумотлар берилган.

Ugene дастуридан фойдаланиб *in silico* ПЗР ўтказиш деб номланган бешинчи бобнинг биринчи бўлимида қуйидаги натижаларга тўхталиб ўтилган: *in silico* ПЗР ўтказишда «*El-salvador*» ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» нави ўртасида генетик тафовут мавжудлигини намоён этган 69 та полиморфик маркерлардан фойдаланилди. Энг аввало UGENE 33.0 биоинформатик дастурлар пакети ёрдамида *in silico* ПЗР амалга оширилди.

Таҳлил натижаларига биноан *in silico* ПЗР учун фойдаланилган жами 69 та маркердан 59 таси иштирокида умумий миқдорда 75 дона виртуал ампликон маҳсулоти ишлаб чиқилган. Шундан, 63 таси ғўзанинг тартиблаштирилган 26 хромосомасига тўғри келган бўлса, қолган 12 та виртуал ПЗР маҳсулоти

хромосомаларнинг тартиблаштирилмаган бўлакларида (яъни scaffold деб аталувчи қисмларида) амплификацияланганлиги аниқланди.

G.hirsutum геном кетма-кетлиги асосида полиморфик маркерларни хариталаш ва уларнинг хромосомалардаги позицияларини аниқлаш деб номланган бешинчи бобнинг иккинчи бўлимида аввало ушбу виртуал ампликонларнинг *G.hirsutum* тури геномидаги, яъни хромосомалардаги локацияларини (жойлашган ўрниларини) тасвирлаш мақсадида MapChart 2.2 биоинформатик дастуридан фойдаланиб хариталаш амалга оширилди (7-расм). Бунда, маркер регионларининг ҳақиқий позицияси тўғри тартибдаги праймер кетма-кетлиги жойлашган координат бўйича аниқланди (7-расм).



7-расм. Маркер локусларининг *G.hirsutum* тури геномидаги, яъни хромосомалардаги локациялари бўйича карта.

AUGUSTUS веб-иловаси ёрдамида тахминий генларни аниқлаш деб номланган бешинчи бобнинг учинчи қисмида генларни структуравий жиҳатдан аниқлаш мақсадида геномдан ажратиб олинган ДНК кетма-кетликлари AUGUSTUS 3.1.0. веб-иловаси қидирув бўлинмасига жойланди ва эҳтимоллий генлар аниқланди. Бунда веб-илованинг маълумотлар базасида мавжуд бўлган модель-ўсимлик *Arabidopsis thaliana* геномидан

фойдаланилди. Таҳлил натижаларига кўра, 723 та эҳтимолий генлар ҳамда 838 та транскрипт вариантлар (1 геннинг 1 тадан ортиқ варианты) аниқланди.

BLAST таҳлили асосида номзод ген/оқсилларни аниқлаш деб номланган қисмида аниқланган тахминий генлар аминокислота кетма-кетликларига ўгирилиб NCBI BLAST маълумотлар базасидаги “protein blast” алгоритми ёрдамида қидирув амалга оширилди. Қидирув натижаларига мувофиқ, танлаб олинган маркерлар бир қатор белгиларнинг юзага чиқишида иштирок этиши мумкинлиги башорат қилинди. Масалан, TMB0561 маркер худуди иштирокида серин ёки треонин аминокислоталарининг ОН гуруҳларини фосфорлайдиган киназа ферментларига тегишли бўлган серин/треонин/треозин киназа оқсиллари аниқланди.

Шунингдек, TMB0561 микросателлит маркери жойлашган регионда LRR (leucine-rich repeat) рецептор-кўринишдаги серин/треонин-протеин киназа RCH1 оқсиллари учраши маълум бўлди. Илмий манбаларда LRR рецептор-кўринишдаги серин/треонин-протеин киназа RCH1 оқсиллари илдиз меристема қисмининг ўсишини бошқариши ҳақида маълумотлар келтирилади (Abdurakhmonov I.Y 2005).

Олинган таҳлиллар натижасида «*El-salvador*» ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» нави ўртасида полиморфизм намоён этган микросателлит маркерларнинг хромосомадаги позицияси аниқланди. Шунингдек, TMB праймерлар тўпламига мансуб баъзи маркерлар ёрдамида ғўзада учраши мумкин бўлган ген ва оқсиллар башорат қилинди. Келгусида аниқланган ушбу номзод генлар ёрдамида ген маркерлари дизайн қилиниши ҳамда маркерларга асосланган селекция технологиясидан фойдаланиб селекция жараёнларига тадбиқ этилиши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

«*G.hirsutum* L. биохилма-хилликлари туричи дурагайларида морфобиологик белгилари ирсийланишининг молекуляр-генетик таҳлили» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Дурагайлаш натижасида олинган биринчи (F_1) ва иккинчи (F_2) авлод дурагайлари морфологик белгиларнинг ўртача кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинди.

2. F_2 авлод дурагай комбинациясидан фойдаланиб 857,2 сМ (сантиморган) узунликдаги 9 та бирикканлик гуруҳини ўз ичига олган генетик бирикканлик харитаси яратилди.

3. 5-хр. бирикканлик гуруҳидаги гуллаш муддати, ҳосил шохи баландлиги ҳамда очилган кўсаклар сони, 11-хр. ҳосил шохи баландлиги, 16-хр. ҳосил шохлар сони белгиси билан ассоциацияланган QTL-локуслари жойлашганлиги аниқланди.

4. Ugene дастуридан фойдаланиб *in silico* ПЗР натижалари таҳлил қилинганда, 4 та маркерда 3 тадан ампликон, 8 та маркер ёрдамида 2 тадан ҳамда 47 та маркер иштирокида биттадан ампликон синтезланганлиги аниқланди.

5. *G.hirsutum* геном кетма-кетлиги асосида полиморфик маркерларни хариталаш ва уларнинг хромосомалардаги позицияларини аниқлаш мақсадида MapChart 2.2 биоинформатик дастуридан фойдаланиб хариталаш амалга оширилди.

6. AUGUSTUS веб-иловаси ёрдамида тахминий генларни аниқлаш таҳлил натижаларига кўра, 723 та эҳтимолий генлар ҳамда 838 та транскрипт вариантлар (1 геннинг 1 тадан ортиқ варианты) аниқланди

7. TMB праймерлар тўпламига мансуб баъзи маркерлар ёрдамида ғўзада учраши мумкин бўлган ген ва оқсиллар башорат қилинди.

8. F₁ ҳамда F₂ авлод дурагайларида морфобиологик белгиларнинг ирсийланиши ва уларнинг статистик таҳлили асосида яратилган F₂ авлод дурагай популяцияси келгусида ғўзадаги муҳим морфобиологик ҳамда хўжалик белгиларни молекуляр генетик хариталашда қимматли манба сифатида хизмат қилади.

ТАВСИЯЛАР

G.hirsutum тури *purpurascens* кенжа тури *El-salvador* ёввойи шакли ҳамда «Кўпайсин» навлари иштирокида яратилган экспериментал (F₂ авлод дурагай) популяция келгусида ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларини янада ёрқинроқ (fine mapping) хариталаш бўйича молекуляр генетик тадқиқотларда фойдаланилиш тавсия этилади.

Идентификация қилинган QTL маркерлари ҳамда ажратиб олинган донор намуналар Маркерларга асосланган селекция (МАС) дастурида зараркунанда ҳашаротларга чидамли, ҳосилдор ҳамда эртапишар навларни яратиш мақсадида олиб бориладиган селекция ишларида бошланғич манба сифатида ишлатилиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.В.53.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ _ _**

ЦЕНТР ГЕНОМИКИ И БИОИНФОРМАТИКИ

КОМИЛОВ ДОНИЁР ДЖУРАЕВИЧ

**«МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ НАСЛЕДОВАНИЯ
МОРФОБИОЛОГИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ У ВНУТРИВИДОВЫХ
 ГИБРИДОВ БИОРАЗНООБРАЗИЯ *G.HIRSUTUM L.*»**

03.00.14 – Геномика, протеомика и биоинформатика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.1.PhD/B380.

Диссертационная работа выполнена в Центре геномики и биоинформатики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на сайте Научного совета (www.namdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель : **Кушанов Фахриддин Нематуллаевич**
Доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Бозоров Тохир Ахмадович**
Доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Макамов Абдусалом Хасанбоевич
PhD, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 г. на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 по присуждению ученых степеней при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111208, Ташкентская область, Кибрайский район, Юкори-Юз п/б, конференц-зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30; электронная почта: igebr@academy.uz, генетика@uzsci.net, gen@inst.gov.uz).

С диссертационной работой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрированы под номером №___). Адрес: 111208, Ташкентская область, Кибрайский район, Юкори-Юз п/о, конференц-зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 г..
(реестр протокола рассылки № «_____» от _____ 2022 г.).

А.А. Нариманов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней
д.с.х.н., профессор

С.К. Бабоев
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней
д.б.н., профессор

Ш. Юнусханов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

В настоящее время увеличение населения земли, помимо источников продовольствия, приводит к увеличению спроса на хлопковую продукцию, основную сельскохозяйственную культуру во многих странах. Улучшение высокоурожайных и ценных хозяйственных признаков в мировой хлопковой отрасли является актуальным. Использование дикорастущих форм семейства *Gossypium* L., содержащих гены, отвечающие за уникальные признаки и свойства, при создании новых сортов хлопчатника резко повышает эффективность селекции. В частности, применение молекулярно-биологических и биотехнологических методов в процессах исследования селекции хлопчатника при создании высоковолокнистых, высокоурожайных сортов хлопчатника имеет важное значение.

В мире проводятся научное исследование по выявлению и эффективному использованию генов контролирующих качества волокна хлопчатника. Создание сортов хлопчатника, способных удовлетворить современные потребности хлопково-текстильных кластеров и фермерских хозяйств страны (высокое качество волокна, высокая урожайность, устойчивость к различным болезням и вредителям) и дальнейшее совершенствование существующих разновидностей, изучение ценных хозяйственных признаков у диких видов на молекулярном уровне, в частности большое внимание уделяется на выявление локусов количественных признаков (QTL) и генов, связанных с важными с хозяйственно-промышленной точки зрения признаками.

После обретения независимости страна добилась высоких результатов в создании сортов хлопчатника, подходящих для почвенно-климатических условий. В частности, в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы² поставлены задачи «увеличить доходы фермеров не менее чем в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, довести ежегодный прирост сельского хозяйства не менее чем до 5%». Исходя из этих задач, идентификация локусов количественных признаков (QTL) и генов, ассоциированных со значимыми с хозяйственно-промышленной точки зрения признаками, и их использование при выявлении генов, контролирующих ценные хозяйственно-промышленные признаки, имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Указе Президента № ПФ-60 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановление «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию семеноводства сельскохозяйственных культур» от 22 января 2022 года ПП-106, Постановление КМ Республики Узбекистан № 985 от 12 декабря 2019 года «О прогнозных объемах посева сортов хлопчатника и выращивания

²Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

хлопчатника в 2020 году», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: - V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

